

Фойдали қазилмалар халқимиз манфаатларига хизмат қилсин

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 13 ноябрь куни геология-қидирув ишлари самарадорлигини ошириш, минерал-хомашё ва қимматбаҳо металллар ресурслар базаси ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш бўйича муҳим стратегик лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий аянқлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисида Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолияти самарадорлигига алоҳида эътибор қаратиб, соҳада ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва янги фабрикалар қуриш бўйича вазифалар белгилаб берган эди.

Шунга мувофиқ, ер қаърини комплекс геологик ўрганиш ҳамда узоқ истиқболга мўлжалланган минерал-хомашё базасини ривожлантириш ишлари янги босқичга чиқди. Жорий йилнинг ўзига Президентнинг соҳага оид беш қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарорлари қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 24 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида ягона геология хизмати ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ соҳада янги тизим яратилди.

Ер қаърини геологик ўрганиш, ундан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, қончилик муносабатларини бошқариш, минерал-хомашё базасини жадал ривожлантириш ва қайта тўлдирилишини таъминлаш, хомашёнинг янги турлари ва қонларини қидириш, геология-қидирув ишларига замонавий услуб ва юқори технологияларни жорий қилиш, кадрлар малакасини ошириш Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг

асосий вазифалари этиб белгиланди.

Навоий кон-металлургия комбинатининг «Қимматбаҳо металллар ва уран геологияси» илмий-ишлаб чиқариш маркази ҳамда Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг «Рангли металллар геологияси» илмий-ишлаб чиқариш маркази қўмита таркибига ўтказилди. Бугунги кунда Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси таркибиде 32 ташкилот 4 йўналиш бўйича фаолият юритмоқда.

Қўмитанинг вазифа ва ваколатлари кенгайди, янги қонлар топиш ва захираларни кўпайтиришга қаратилган салоҳияти ошди. Геологик ўрганилаётган фойдали қазилма турларининг сони 12 дан 35 га етди.

Геология-қидирув ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида соҳа изчил модернизация қилинмоқда. Лаборатория-тахлил ускуналари янгиланмоқда. Масалан, илгари руда таркибидеги 32 элемент аниқланган бўлса, янги замонавий технологиялар самарасида бугунги кунда 74 фойдали модда аниқланмоқда.

Илгор хорижий тажрибани ўрганиш асосида геология-қидирув жараёнига 2018 йилдан аэрогеофизик усул ва ускуналарни жорий қилиш режалаштирилган. Бу истиқболли геологик ресурсларни юқори аниқликда белгилаш имконини беради.

Бироқ ҳали соҳа олдида қатор долзарб масалалар мавжуд. Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ер қаърини геологик ўрганиш, фойдаланиш, муҳофаза қилиш ва бошқаришга масъул орган этиб белгиланганига қарама-қарши, унинг фаолияти геология-қидирув ишларини бажариш билан чегараланиб қолмоқда.

Йиғилишда геология соҳасининг бугунги ҳолати танқидий таҳлил қилинди. Ер қаъридан оқилона фойдаланиш, муҳофаза қилиш ва қончилиқни бошқаришда аниқ механизм мавжуд эмаслиги, бу соҳага етарлича эътибор берилмагани кўрсатиб ўтилди. Бу

соҳада илгор хорижий давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолда Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг бутунлай янги тузилмаси ва йўналишларини ишлаб чиқиш, салоҳиятини ошириш зарурлиги таъкидланди.

2017-2021 йилларга мўлжалланган минерал-хомашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдириш давлат дастури доирасида геология-қидирув ишлари жадвал асосида амалга оширилмоқда. Жорий йилда Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси томонидан 13 кон бўйича захиралар тасдиқланиб, санатда ўзлаштиришга тайёрланди. Йил охиригача яна 13 кон бўйича захиралар тасдиқланиши режалаштирилган.

Президентимиз тоғ-кон санатининг узоқ муддатли истиқболларига, соҳанинг ҳудудларда санатни ривожлантиришдаги ўрнига алоҳида эътибор қаратди. Тармоққа чет эл инвестицияларини фаол жалб этиш, фойдали қазилмаларни ўзлаштириш ва қайта ишлаш ҳажмини ошириш, янги қорхоналар ташкил этиш ва иш ўринлари яратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Мутасадди вазирлик ва ташкилотларга минерал-хомашё базасини ривожлантириш дастурини қайта қўриб чиқиш ва тақомиллаштириш топширилди.

Йиғилишда соҳадаги йирик муассасалар — Навоий кон-металлургия комбинати ва Олмалиқ кон-металлургия комбинати томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар ижросига ҳам эътибор қаратилди.

Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган дастурга мувофиқ 2017-2026 йилларда Навоий кон-металлургия комбинатида 27 лойиҳани амалга ошириш белгиланган. Қиймати 3 миллиард 63 миллион доллар бўлган мазкур лойиҳалар натижасида 2026 йилга бориб ишлаб чиқариш ҳажми 30 фоизга ошади. Қўшимча 31 мингга яқин иш ўрни яратилади.

Ушбу муҳим лойиҳаларни ишончли электр энергияси билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш зарурлиги қайд этилди.

Олмалиқ кон-металлургия комбинати томонидан умумий қиймати 2 миллиард 720 миллион доллардан ошқ 18 инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. «Ёшлик-1» ва «Ёшлик-2» қонларини ўзлаштириш, «Самарқўқи» ер ости қонини қуриш ва Сурхондарё вилояти Шеробод туманида цемент заводи барпо этиш улар орасида энг муҳимларидир.

Йиғилишда «Ёшлик-1» ва «Ёшлик-2» қонларини ўзлаштириш янада тезлаштириш бўйича тавсиялар берилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга ташрифлари чоғида геология соҳасига доир саксонга яқин вазифалар белгиланган. Жумладан, ер ости сувлари захираларини қескин кўпайтириш ва аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, Ангрэн ва Олмалиқ ҳудудларида фойдали қазилма базасини кенгайтириш ва қонларни санатда ўзлаштириш бўйича ишлар бошлаб юборилган.

Мутасаддиларнинг бу борадаги ҳисоботлари эшитилди.

Кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Соҳани таъминлаш учун Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузурида иқтисодлашган олий таълим муассасаси ташкил этиш, унда илмий изланишларга қатта аҳамият қаратиш, ишлаб чиқариш қорхоналари ва таълим тизими ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда геология-қидирув ишларини илгор технологиялар асосида ташкил этиш, ишга солинмаган имкониятлардан фойдаланиш, соҳанинг иқтисодий-иқтимоий салоҳиятини янада ошириш масалалари таҳлил қилинди. Вазирлик, қўмита ва комбинатлар олдида турган долзарб вазифалар белгилаб берилди.

ЎЗА

Муносабат

Самарқанд шаҳрида БМТ шафелигида ўтказилган «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келахак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусидаги халқаро конференция Марказий Осиё давлатларини тараққиёт этган ва яхши қўшничилик муносабатлари шакллانган минтақага айлантириш бўйича долзарб тақлиф ва ташаббуслар билдирилган муҳим сиёсий тадбир сифатида жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҲАМКОРЛИГИДА ЯНГИ САҲИФА ОЧГАН МУҲИМ ТАШАББУСЛАР



Рустам
ХОЛМУРОДОВ,
Самарқанд давлат
университети ректори:

— Ушбу нуфузли форум Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган минтақада тарихий-маданий тараққиёт жараёнларини соҳибга олиб амалга оширилаётган ташқи сиёсий фаолият доирасида ташкил этилди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари 2017 йил 19 сентябрь кун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сузлаган нутқида Марказий Осиёни сўйишталлик, барқарор тараққиёт ва яхши қўшничилик ҳудудида айлантириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналиши эканини алоҳида қайд этди. Президентимиз ўз нутқида «Биргаликдаги саяё-ҳаракатларимиз тўғрисидаги кейинги ойларида минтақамизда сиёсий ишонч даражаси сезиларли даражада ошди. Қўллаб-масалалар бўйича принципал жиҳатдан муҳим ечимлар топишга эришилди», деб таъкидлар экан, ноябрь ойида Самарқандда БМТ шафелигида Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарор ривожланиш таъминлашга бағишланган ўтказилаётган халқаро анжуманда минтақадаги фундаментал муаммолар муҳокама қилинишини билдирган эди.

Халқаро конференцияда БМТ Бош қотиббининг сиёсий масалалар бўйича ёрдамчиси, АКШ Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари, Европифоқ ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили, Еврокомиссия вице-президенти, Марказий Осиё мамлакатлари, Афғонистон ва Эрон ташқи ишлар вазирлари, Россия, Хитой, Европа мамлакатлари, Япония, Туркия, Ҳиндистон, Покистон, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлардан 500 га яқин юқори мартабали меҳмон иштирок этганининг ўзиде унда муҳокама этилган масалалар ўта муҳимлигини алоҳида қайд этди.

Форумда эътироф этилганидек, Президентимизнинг давлат раҳбари сифатидаги илк қадамлари қўшнилар билан муносабатларини янги поғонага кўтаришга қаратилди. Ушбу анжуман ҳам шундай ташаббуснинг халқаро қўриниши бўлди.

Давлатимиз раҳбари ушбу халқаро конференцияда сузлаган нутқида Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш бўйича бир қатор тақлиф ва ташаббусларни илгари сурди. Чунончи, БМТ мутахассисларининг маълумотида кўра, сўнгги 10 йил ичида минтақада ЯИМ икки баробар ошиши мумкинлиги, савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ҳар қанчидан ҳам долзарб эканлиги таъкидланди. Чегара ва божхона соҳасида яқиндан ҳамкорлик зарурлиги таъкидланди, минтақа хавфсизлиги олдиде қўшларни бир жойга жамлаш мақсада мувофиқлиги, Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой темир ва автомагистрал йўллари транспорт инфратузил-

масини яхшилаш, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг ошишига қатта таъсир кўрсатиши ўқтирилди.

Анжуманда Марказий Осиёда барқарор ривожланиш таъминлаш борасидаги иккита муҳим жиҳат яқол намоён бўлди. Булар Ўзбекистоннинг минтақада ҳамкорлик юзасидан ислохотларга тайёр эканлиги ва уни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, хорижий шериклар билан ишлашга ва сармояларни жалб қилишга қўлай шароитлар яратишдир.

Анжуманнинг сўнгги шўъба йиғилишида халқаро ташкилотлар ва етакчи давлатлар мутахассисларининг Марказий Осиёда барқарор тараққиёт ва ҳозирги давр хавфсизлигига таҳдид қўлуви омилига қарши курашда халқаро ҳамжамиятнинг ҳаракатларига бағишланган тақлифлари тингланди.

Конференцияда нуфузли иштирокчилар, соҳа мутахассислари томонидан билдирилган тақлиф ва мулоҳазалар шундан далолат бердики, терроризм, экстремизм, наркотик савдоси Марказий Осиё тараққиётига тўсиқ бўлувчи асосий таҳдидлар ҳисобланади.

Иштирокчилар БМТга махсус муносабатнома қабул қилиб, унда минтақада тинч-тотув яшашнинг ҳозирги босқичида амалга ошириш лозим бўлган Марказий Осиё давлат раҳбарларининг учрашувларини мунтазам ўтказиб туриш, минтақа давлатларининг иқтисодий форумларини ташкил этиш, маданий алоқаларни ривожлантириш борасидаги ташаббуслар тақлиф этилди.

Дунё оммавий ахборот воситалари ушбу нуфузли форум Марказий Осиёда мустаҳкам ва ишончли муносабатларни ўрнатилда Ўзбекистон томонидан қўйилган энг жасоратли қадам эканлигини таъкидламоқда. Масалан, Озарбайжоннинг «tend» ахборот агентлиги мазкур анжуманда муҳокама қилинган масалалар Марказий Осиё давлатлари ўртасида транспорт-коммуникация тизимини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга эканини баён этди.

АҚШлик машҳур сиёсатчи Фредерик Старр Марказий Осиёда ҳудудий тинчлик масаласига қатта эътибор қаратди.

Еврокомиссия вице-президенти Федерика Могерини Самарқандда Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги дўстона муносабатларни янги поғонага олиб чиққан шахар сифатида баҳолади.

Умуман, оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқаро ҳамжамият олдиде ўз сўзининг устидан чиқиши ва ташқи сиёсий фаолиятида Марказий Осиёда ўзаро ҳурмат, ишонч ва яхши қўшничилик муносабатларини янги поғонага олиб чиққанига юксак баҳо берилмоқда.

Анжуман қўшлари Самарқанд ва унинг Форумлари саройи нурга тўлди, десам муболаға бўлмади. Мажлислар оралиғидаги танаффусларда иштирокчилар эркин мулоқотга киришгани, узоқ пайтлардан бун қўришмаган ён қўшниларимиз билан ўзаро фикр алмашувлар форум қўн тартибидеги масалалар бўйича тақлифларни амалга жиҳатдан янада тўлдириди.

Ишончим комилки, Самарқандда ўтган халқаро конференция, Президентимизнинг унда сузлаган мазмундор нутқи нафақат Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш ва минтақа халқларининг тинч-тотув яшаш шарт-шароитларини таъминлаш бўйича «йўл харитасини амалга оширишга, балки узоқ хорижий мамлакатлар ва турли халқаро ташкилотлар билан алоқаларни янги мазмун билан бойитишга хизмат қилади.

Фаррух ҲАМРОЕВ
ёзиб олди.

Хавфсизлик ва барқарорлик — тараққиётнинг асосий омили

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан БМТ шафелигида ташкил этилган «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келахак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусидаги халқаро конференция самаралари бўлди.

ЎЗА мухбири халқаро форум қатнашчиларининг фикрлари билан қизиқди.

Нихат ЗЕЙБЕКЧИ,

Туркия Республикаси

иқтисодий вазир:

— Туркия Марказий Осиё давлатлари томонидан илгари сурилаётган ташаббусларни қўллаб-қувватлайди. Кейинги йилларда минтақадаги мамлакатлар билан транспорт-логистика соҳасидаги алоқаларнинг ривожланиб бораётгани давлатларимиз иқтисодий тараққиётига хизмат қилмоқда. Биз, Марказий Осиё давлатларини Европа билан бевосита муҳим кўприк сифатида қадимий Буюк ипак йўлининг қайта тикланишидан манфаатдоримиз. Бу борада аниқ пайтда Марказий Осиё давлатлари ва Хитой томонидан ҳаётга татбиқ этилаётган транспорт коридорлари бўйича лойиҳада иштирок этишга тайёримиз.

Самарқандда ташкил этилган халқаро форум нафақат минтақа мамлакатлари хавфсизлиги ва барқарорлигини мустаҳкамлаш, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кучайтиришга хизмат қилади, балки ушбу давлатларнинг дунё халқлари билан иқтисодий интеграциясини янада кучайтиришга кенг имконият яратди.

Мухаммад Жавад
ЗАРИФ, Эрон Исло
м Республикаси ташқи ишлар
вазир:

— Бугун тез ўзгараётган дунёда хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш энг муҳим масала ҳисобланади. Ҳар бир давлат ушбу йўналишда ўзига хос ички ва ташқи сиёсат юритади. Шу билан бирга бу борада қўшни мамлакатлар билан ўзаро яқин ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши ҳар томонлама

фойдали бўлиши шубҳасиз.

Бугунги кунда Марказий Осиё давлатларининг ушбу мақсад йўлида ҳамжиҳатликда зарур чора-тадбирларни қўраётгани эътиборга молик. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг бу борада баён этган тақлиф ва ташаббусларини барча давлатлар қўллаб-қувватламоқда.

Эрлан АБДИЛДАЕВ,
Қирғизистон Республикаси
ташқи ишлар вазир:

— Давлатларимиз раҳбарларининг саяё-ҳаракатлари билан кейинги пайтда Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги яхши қўшничилик алоқалари мустаҳкамланиб, янги босқичда давом этмоқда. Буни барча соҳалардаги ҳамкорлик ривожланиб бораётгани ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Қадимий Самарқандда бўлиб ўтган ушбу халқаро конференция терроризм, диний экстремизм ва гиёҳвандликка қарши бирга кураш олиб боришимиз, бу борада ҳаракатларимизни

мувофиқлаштиришда муҳим аҳамият касб этди. Марказий Осиё давлатларининг яқинлиги минтақада хавфсизлиқни таъминлашда муҳим омил ҳисобланади.

Сирожиiddин АСЛОВ,
Тожикистон Республикаси
ташқи ишлар вазир:

— Ушбу халқаро конференция Марказий Осиё минтақасидаги долзарб масалаларни ҳал этишда муҳим қадам бўлди, десак янглишмаймиз. Сабаби, дунё хавфсизлигига таҳдид қилаётган терроризм балоси минтақамизга ҳам хавф солмоқда. Шунинг учун аввалдан бундай хавфларнинг олдини олиш чораларини қўриш, бу борада ҳамкорликда иш олиб бориш барча давлатлар учун манфаатли бўлиши шубҳасиз.

Қўшни Афғонистондаги но-тинчлик минтақамиздаги давлатлар ва халқлар оқошталлигига таҳдид сифатида барчамизни ташвишга солади. Ушбу мамлакатда барқарорликка эришиш борасида биз ҳам ҳамкорликда иш олиб боришимиз лозим.

Рашид МЕРЕДОВ,
Туркменистон ташқи ишлар
вазир:

— Самарқандда ташкил этилган ушбу халқаро конференция Марказий Осиё давлатларининг ҳар жабҳада ҳамфикр, минтақадаги мавжуд муаммоларни ҳамжиҳат ҳал қила олишини дунёга кўрсатди.

Минтақадаги давлатлараро муаммолар бўлмаслиги, айниқса, хавфсизлик масаласида барчамизнинг яқинлигини тараққиётга хизмат қилади. Шунингдек, минтақадаги Евроосиё транспорт коридорини ривожлантириш Европа ва Осиёни бир-бирига боғлашда муҳим омил бўлади. Албатта, бунинг учун минтақада терроризм, экстремизм, гиёҳвандлик каби турли таҳдидларнинг олдини олиш, хавфсизлиқни таъминлаш лозим. Самарқанд конференцияси айнан шу масалалар муҳокамасига қаратилгани билан аҳамиятли бўлди.

ЎЗА мухбири

Ғолиб ҲАСАНОВ ёзиб олди.

Фракция йиғилиши

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ЎЗДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда долзарб масалалар ҳамда бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Жиззах шаҳрида Шароф Рашидов ҳайкалининг очилишига бағишланган тантанали маросимдаги ҳамда Самарқанд шаҳрида ўтган «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келахак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусидаги халқаро конференцияда сузлаган нутқларининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти тўғрисида сўз юритилди.

Шунингдек, йиғилишда «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги, «Келахак бунёдкори» медалини таъсис этиш тўғрисида»ги ва бошқа қонун лойиҳалари атрофида қўриб чиқилди.

ЎЗДП фракцияси аъзоларининг ушбу масалалар юзасидан билдирган фикр-мулоҳазалари билан газетамизнинг келгуси сониде танишасиз.

Ўз мухбиримиз.



Санжар ШОТЎЛМАНОВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ВА ТАБИИЙ ГАЗ НАЗОРАТИ ВА
ҲИСОБИНИНГ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМИНИ ЖАДАЛ
ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги «Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юртиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ — 5059-сон Фармонида мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июндаги Ф — 4979-сон фармойиши билан ташкил этилган Электр энергияси ва табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини янада жорий этиш юзасидан тақлифлар тайёрлаш бўйича Ишчи комиссия (кейинги ўринларда Ишчи комиссия деб юритилади) томонидан «Sagetsom» (Франция Республикаси), «Elster GmbH» (Германия Федератив Республикаси), «Landis & Gyr» (Швейцария Конфедерацияси) компаниялари ва «Toshelectroapparat» МЧЖ ХК (Ўзбекистон Республикаси) билан Ўзбекистон Республикасида электр энергияси ва табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш лойиҳасини (кейинги ўринларда Лойиҳа деб юритилади) амалга ошириш юзасидан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ишчи комиссиянинг Лойиҳа доирасида дастлаб 2 миллион дона электр энергияси ва табиий газни ҳисобга олиш ускуналари, шунингдек, дастурий таъминот, қўшимча асбоб-ускуна, бошқа зарур техник воситаларини (кейинги ўринларда ҳисобга олиш ускуналари ва қўшимча воситалар деб юритилади) «Sagetsom», «Elster GmbH» компаниялари ва «Toshelectroapparat» МЧЖ ХКдан истисно тарикасида тендер савдоларини ўтказмасдан харид қилиш тўғрисидаги тақлифга розилик берилсин.

Белгилансинки, Ишчи комиссиясининг қарорига асосан «Ўзбекэнерго» АЖ ва «Ўзтрансгаз» АЖ Лойиҳа доирасида ҳисобга олиш ускуналари ва қўшимча воситаларни мазкур қарорнинг 14-бандига мувофиқ уларни республикада ишлаб чиқариш йўлга қўйилгунга қадар ушбу бандда кўрсатилган ишлаб чиқарувчилардан қўшимча харид қилиши мумкин.

3. Ишчи комиссия (ЖА.Қўқорлов) «Ўзбекэнерго» АЖ ва «Ўзтрансгаз» АЖ билан биргаликда бир ой мuddатда Лойиҳа бўйича «Sagetsom», «Elster GmbH» компаниялари ва «Toshelectroapparat» МЧЖ ХК билан якуний музокаралар ўтказилиши ва контрактлар (кейинги ўринларда контрактлар деб юритилади) тузилишини ташкил этсин.

«Ўзтрансгаз» агентлиги музокаралар якунига қадар Лойиҳа доирасида ўрнатиладиган ҳисобга олиш ускуналарининг турларига нисбатан техник талабларни тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси тузилладиган контрактларни, шу жумладан ҳисобга олиш ускуналари ва қўшимча воситалар, хизматларнинг қийматини ишлаб чиқарувчиларнинг айнан шундай лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тажрибаси ва ишчанлик обрў-эътиборига алоҳида эътибор қаратган ҳолда ҳар томонлама экспертизадан ўтказсин.

5. Лойиҳа доирасида қўйиладиган: Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг (кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилади) «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ томонидан қайта молиялаштирилган, 5 йиллик имтиёзи давр ва қайта молиялаштирувчи банкнинг 0,2 фоиз маржасини ўз ичига олган йиллик ставкаси 2 фоиз бўлган 10 йил мuddатга ажратиладиган маблағлар — контрактлар бўйича ҳисобга олиш ускуналари ва қўшимча воситаларни, шунингдек, хизматларни сотиб олишга сарфланган харажатларнинг;

«Ўзбекэнерго» АЖ ва «Ўзтрансгаз» АЖнинг маблағлари — қурилиш-монтаж ишларини, маҳаллий товарлар ва хизматларни харид қилишнинг молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

6. Белгилансинки: 2020 йил 1 январдан Лойиҳанинг амалга ошириш мuddатига 1 кВт/соат электр энергияси учун 15 сўм, 1 м. куб табиий газ учун 17 сўм (республикада реализация қилинадиган) миқдориди заруратта кўра индексация қилинадиган ҳамда фақатгина Лойиҳа доирасида Жамғарманинг жалб этилган маблағларини қўллашга ҳамда бошқа харажатларни молиялаштиришга йўналтириладиган инвестициявий устама жорий этилади;

Лойиҳа доирасида ҳисобга олиш ускуналарини ўрнатилган кейинчалик уларни давлат қўригидан ўтказган ҳолда сертификация ишларини олиб бориш белгиланган тартибда «Ўзтрансгаз» агентлиги томонидан амалга оширилади;

ҳисобга олиш ускуналарини ўрнатилганда пломбалаш «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ ва «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Махбурий ижро бюросининг (кейинги ўринларда Бюро деб юритилади) ваколатли ходимлари томонидан амалга оширилади;

Лойиҳа доирасида ўрнатиладиган ҳисобга олиш ускуналарининг давлат қўриғи «Ўзтрансгаз» агентлиги томонидан ҳар 10 йилда амалга оширилади. Бунда ҳисобга олиш ускуналарини давлат қўриғига топшириш бўйича ишларни ташкил этиш «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ ва Бюро томонидан таъминланади; истеъмолидан давлат қўриғидан, хизмат қўриғидан ва бошқа ишларни ўтказиш учун ечиб олинган ҳисобга олиш ускунасининг ўрнига зудлик билан «Ўзбекэнерго» АЖ ва «Ўзтрансгаз» АЖ маблағлари ҳисобидан бошқа қўриқдан ўтган ҳисобга олиш ускунаси ўрнатилди.

7. Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги «Ўзбекэнерго» АЖ ва «Ўзтрансгаз» АЖнинг Лойиҳани амалга ошириш учун бериладиган Жамғарма кредитлари бўйича «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ олдидаги мажбуриятлари юзасидан белгиланган тартибда давлат кафолатларини бериш ваколати берилсин. Бунда давлат кафолатлари «Ўзбекэнерго» АЖ ва «Ўзтрансгаз» АЖ томонидан кредитларни қўллаш даврида уларнинг пул маблағларини бошқариш ҳуқуқларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига топшириш орқали берилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «ЎзИнжиниринг» Республика лойиҳа институти «Ўзбекэнерго» АЖ ва «Ўзтрансгаз» АЖ билан биргаликда уч ой мuddатда Вазирлар Маҳкамасига Лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларини киритсин.

Жамғарма, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ, «Ўзбекэнерго» АЖ ва «Ўзтрансгаз» АЖга Лойиҳанинг техник-иқтисодий асослари тасдиқлангунга қадар контрактлар доирасида товарларнинг харидини ва бажариладиган ишларни 2018 йил 1 февралга қадар молиялаштиришга рўхсат берилсин.

9. «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ ва «Toshelectroapparat» МЧЖ ХК 2022 йил 1 январга қадар контрактларга мувофиқ ҳисобга олиш ускуналари ва қўшимча воситаларни, бутловчи буюмлар, хом ашё ва материалларни олиб кирганига учун боғжона тўловлари тўлашдан (боғжона расмийлаштируви учун йилгилар бундан мустасно), шунингдек, Лойиҳани амалга ошириш доирасида қўшимча қиймат солиғидан озод қилинсин.

10. «Ўзбекэнерго» АЖ ва «Ўзтрансгаз» АЖ Бюро билан биргаликда бир ой мuddатда электр узатиш линиялари ва газ қувурларини модернизация қилиш бўйича давлат дастурлари амалга оширилишини, электр ва газ таъминоти инфратузилмасининг амалдаги

ҳолатини, шаҳарлар ва вилоятлар марказларининг устуворлигини инобатга олган ҳолда ҳисобга олиш ускуналари ва қўшимча воситаларни ўрнатиш жадвалини тасдиқласин.

11. Республика ҳудудига Лойиҳанинг техник параметрларига мос келмайдиган ҳисобга олиш ускуналари ва қўшимча воситаларни олиб кириш тақиқлансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги «Ўзбекэнерго» АЖ ва «Ўзтрансгаз» АЖ билан биргаликда яратиладиган Коммунал хизматлар ягона биллинг тизимининг Лойиҳа доирасида ўрнатилган дастурий махсулотлар билан биллинг тизимининг электр энергияси ва табиий газга оид қисmini ишлаб чиқишга «Sagetsom» компаниясини жалб этган ҳолда мослигини таъминласин.

14. «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ «Ўзэлтехсаноат» АҚ, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда икки ой мuddатда хорижий компания иштирокчида, шу жумладан «Ўзэлтехсаноат» АҚ корхоналарини кооперация асосида жалб этган ҳолда ҳисобга олиш ускуналари ва қўшимча воситаларни ишлаб чиқаришни, шунингдек, Лойиҳани техник қўллаб-қувватлаш бўйича хизмат кўрсатиш марказларини ташкил этиш юзасидан тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Лойиҳа ва контрактларнинг амалга оширилиши устидан тизимли мониторинг ўрнатсин.

16. «Ўзбекэнерго» АЖ ва «Ўзтрансгаз» АЖ бюртмалари бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи хорижий мутахассисларга кириш визаларини расмийлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи хорижий мутахассисларга кўп марталики кириш визалари берилиши ва мuddати узайтирилишини, шунингдек, вақтинча яшаш жойи бўйича вақтинча рўйхат расмийлаштирилиши (узайтирилиши)ни таъминласин.

17. Лойиҳанинг тўлиқ ва ўз мuddатида амалга оширилиши, шу жумладан тасдиқланадиган лойиҳа параметрларига эришиш юзасидан шахсий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.С.Султонов, «Ўзбекэнерго» АЖ (У.М.Мустафоев) ва «Ўзтрансгаз» АЖ (А.С.Мустафоев) раҳбарлари зиммасига юклансин.

18. Қўйиладиган:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Газ таъминоти тизимида бозор механизмларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ — 2907-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 июндаги «Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ — 3060-сон қарорининг 6-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И.Б.Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 13 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Электр энергияси ва табиий газ назорати ва ҳисобининг
автоматлаштирилган тизимини жадал жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига
ШАРҲ

Электр ва газ таъминоти соҳасидаги тизимли муаммоларни самарали ҳал этмасдан туриб иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳасини кенгайтириш, ишчанлик фаоллигини ва мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, шунингдек, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини юксалтириш мумкин эмас.

Шу муносабат билан, кейинги йилларда республикада электр ва газ таъминоти тизимининг инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш, энергия ресурслари истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилиш самарадорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда назорат ва ҳисобга олишининг самарали тизими мавжуд эмаслиги сабабли электр ва газ таъминоти корхоналари фаолиятида доимий охиб борувчи қарздорлик юзага келишига, энергия ресурслари етказиб беришда мунтазам узил-пишларга ва тармоқ корхоналарининг оғир молиявий аҳолига олиб келган қўллаб-қўллай қамчиликлар тўғрисида қўлланмас, улар турли нопок йўللарга кириб кетиши, ёвуз қучлар тузоғига илиниб, ёш умрини ҳазон қилиши мумкин.

Қарийб қирқ йилдан буён уруш тўхтамаган қўшимиз Афғонистон ҳудудидagi ҳолатни ҳаммамиз кўриб, билиб турибмиз. Яқиндагина дунёда ўз ўрни ва макенига эга бўлган Ироқ, Сурия ёки Ливан давлатларининг бугунги аҳоли билан яхши танишимиз. Бир вақтлар бутун дунёдан сайёҳларни ўзига жалб этган гўзал ва бетакорр шаҳарлар бугун вайронга айланган бор ҳақиқат. Шу ҳақда ўйласак, тинчлик ва ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратиладиганлигини сабаблари аён бўлади.

Марказий Осиё аҳолининг ёши бўйича энг «ёш» минтакалардан ҳисобланади. Унда ёшлар умумий аҳолининг деярли 60 фоизини ташкил қилади.

Ёшлар бандлигини таъминлаш, улар бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун шариоатлар яратиш, ёш оилаларнинг турмушини янада яхшилаш долзарб аҳамият касб этади. Шу билан бирга, адашган кишиларни ижтимоий реабилитация қилиш, уларни нормал ҳаётга қайтаришда маҳалла фаоллари, нуруний отахону онахоналаримиз, хотин-қизлар қўмиталари билан ҳамкорликдаги ишларимизни қўяйтиришимиз лозим. Президентимиз нутқини ўқиб, мен шундай ҳулосага келдим.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА ёзиб олди.

Муносабат

Самарқандда БМТ шафелигида ташкил этилган «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажақ, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзuida халқаро конференцияда долзарб масалалар муҳокама этилди. Анжуманда Президент Шавкат Мирзиёев илгари сурган тақлифлар, ҳаётий ташаббуслар иштирокчилар ҳамда кенг жамоатчилигимиз томонидан қизгин кутиб олинди ва фаол қўллаб-қувватланмоқда. Ўзбекистон Халқ демократик партияси депутатлари ва фаоллари ҳам Президентимиз нутқининг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришмоқда.

ТИНЧЛИК, ТАРАҚҚИЁТ,
ҲАМКОРЛИК

Йўлидаги яна бир муҳим қадам



Феруза ЭШМАТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги Ўзбекистон
ХДП фракцияси аъзоси:

— Республикаимиз ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидан бири хавфсизлик, барқарорлик, аҳил қўшничилик муҳитини шакллантиришдан иборат. Бу эзу мақсад Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам ўз ифодасини топган. Президентимизнинг нутқиди таъкидланганидек, 70 миллиондан ортиқ аҳолига эга бўлган Марказий Осиё минтақаси мамлакатларини минг йиллик қардошлик, яқин қўшничилик ришталари боғлаб туради. Бизни тарих, дин, умумий маданият ва анъаналар бирлаштиради.

Халқаро анжуманда давлатимиз раҳбари Марказий Осиёни барқарор ва иқтисодий ривожланган минтақага айлантириш, мазкур ҳудудда тинчлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш бўйича долзарб ташаббусларни илгари сурди. Қучур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат юритиш, мамлакатимиз атрофида хавфсиз савдо муносабатларини ривожлантириш, давлат чегараларини делимитация ҳамда демаркация қилишни ҳал этиш каби масалалар устувор йўналишлар этиб белгиланди.

Айтиш жоизки, мазкур йўналишлар бўйича ўтган давр мобайнида қатор тарихий ишлар амалга оширилди. Президентимизнинг илк давлат ташрифлари қўшни мамлакатлардан бошлангани ҳам бежиз эмас. Давлат чегаралари, савдо алоқалари, транспорт коммуникациялари каби масалалар бўйича муҳим келишувларга эришилди. Самарқандда ўтган халқаро конференция эса бу борадаги долзарб масалаларни муҳокама қилиш, келажақда амалга оширилиши керак бўлган вазифаларни белгилаб олишда катта аҳамият касб этади.

Бугун минтақада транспорт соҳасидаги ҳамкорлик кенгайгани, товар айрибошлаш ҳажми ошгани, чегараолди ҳудудлар ўртасидаги алоқалар мустаҳкамлангани, маданий-гуманитар соҳадаги муносабатлар фаоллашганини халқаро ташкилотлар ҳам эътироф этмоқда.

Ҳулоса қилиб айтadиган бўлсак, Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш йўлида ўзининг позициясида мустаҳкам туриши ва амалий харакатга тайёр эканини яна бир бор исбот қилди.

Раимберган САБУРОВ,
халқ депутатлари Хоразм
вилоят Кенгашидаги ЎзХДП
гуруҳи раҳбари:



— Давлатимиз раҳбари ўзининг чиқишларида ер юзидида тинчликни таъминлаш ҳамда ёшлар тарбиясига алоҳида ургу бериб, мазкур масалаларда янги ташаббусларни илгари сурмоқда. Қозғоғистонда Ислон ҳамкорлик тақдирининг фан ва технологиялар бўйича биринчи саммити ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқларидаги аниқ тақлифлар бутун дунё сиёсатчилари, етук давлатлар етакчиларини Ўзбекистонга, унинг бугунги раҳбарияти томонидан олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатга бошқача кўз билан, илиқлик билан қарашга ундади.

Самарқанд шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида ўтказилган халқаро конференция ҳам мамлакатимиз раҳбарининг аниқ тақлифларига асосланди. Унда Марказий Осиё минтақасида экстремизм, терроризм, транснационал жиноятчилик ва наркотрафик харақатига қарши курашишни фақат биргаликда, минтақа мамлакатлари ўртасидаги амалий ҳамкорлик механизмлари доирасида таъминлаш мумкинлиги таъкидланди.

Хусусан, хавфсизлик таҳдидларини «ўзиники ва ўзгаларники», деб ажратилган воз кечиш, «яхлит хавфсизлик» тамойилига амалда риоя қилиш зарур, деган катъий фикр илгари сурилди. Дарҳақиқат, бугунги кунда минтақада барқарорлиқни таъминлашнинг устувор йўналиши экстремистик ғояларга қарши қатъий курашиш, унинг таъсирига тушиб қолаётган ёшларни тўғри йўлга бошлаб билишдан иборатдир.

Ўйлаб кўрайлик, нима учун нутқда айнан тинчлик ва ёшлар тарбияси масаласига алоҳида ургу берилди? Чунки тинчлик бўлса, тараққиёт бўлади, ривожланиш бўлади. Бугун бунёд этилаётган ишлаб чиқариш қувватлари, бир-биридан гўзал шаҳару кишлоқлар эртанги кун эгалари бўлиши ёшларнинг истикболига хизмат қилиши лозим. Фарзанд тарбияси билан жиддий шуғулланмасак, улар турли нопок йўллarga кириб кетиши, ёвуз қучлар тузоғига илиниб, ёш умрини ҳазон қилиши мумкин.

Қарийб қирқ йилдан буён уруш тўхтамаган қўшимиз Афғонистон ҳудудидagi ҳолатни ҳаммамиз кўриб, билиб турибмиз. Яқиндагина дунёда ўз ўрни ва макенига эга бўлган Ироқ, Сурия ёки Ливан давлатларининг бугунги аҳоли билан яхши танишимиз. Бир вақтлар бутун дунёдан сайёҳларни ўзига жалб этган гўзал ва бетакорр шаҳарлар бугун вайронга айланган бор ҳақиқат. Шу ҳақда ўйласак, тинчлик ва ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратиладиганлигини сабаблари аён бўлади.

Марказий Осиё аҳолининг ёши бўйича энг «ёш» минтакалардан ҳисобланади. Унда ёшлар умумий аҳолининг деярли 60 фоизини ташкил қилади.

Ёшлар бандлигини таъминлаш, улар бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун шариоатлар яратиш, ёш оилаларнинг турмушини янада яхшилаш долзарб аҳамият касб этади. Шу билан бирга, адашган кишиларни ижтимоий реабилитация қилиш, уларни нормал ҳаётга қайтаришда маҳалла фаоллари, нуруний отахону онахоналаримиз, хотин-қизлар қўмиталари билан ҳамкорликдаги ишларимизни қўяйтиришимиз лозим. Президентимиз нутқини ўқиб, мен шундай ҳулосага келдим.

ШАРАФЛИ КАСБ ЭГАЛАРИГА ЭХТИРОМ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида тиббиёт соҳасини замон талаблари даражасида ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада сўнгги бир йил мобайнида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Натижада тиббий хизмат кўрсатиш сифати ортиб, соҳани такомиллаштириш ишлари изчил давом этмоқда.

«Ўзбекистон Республикаси Тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги қонунга асосан мамлакатимизда ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи яшанбаси тиббиёт ходимлари байрами сифатида кенг нишонланади.

Ўзбек Миллий академик драма театрида бўлиб ўтган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, тиббиёт соҳаси ходимлари, профессор-ўқитувчилар, олимлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.



Байрам тадбирида таъкидланганидек бирламчи тиббий-санитария ёрдами таъминлаштиришга оид қарор ижроси доирасида 793 кишлоқ врачлик пункти негизда кишлоқ оилавий поликлиникаси, 441 тез тиббий ёрдам шохбчаси ташкил этилди. Кишлоқ оилавий поликлиникаларида 5 турдаги, Тошкент шаҳар оилавий поликлиникаларида 10 турдаги тор соҳа мутахассислари фаолияти йўлга қўйилди. Жорий йилда олий ўқув юр்தларининг бакалавриатура босқичини битирган 3 мингдан зиёд ёш мутахассиснинг қарийб 80 фоизи бирламчи тизимга ишга юборилди.

Соҳага ажратилаётган маблағлар ҳажми сезиларли ошиб, ҳусусий сектор вакилларига кенг имтиёзлар яратилди. Эътиборлиси, ҳусусий сектор вакиллари тиббиёт йўналишида нафақат шаҳарларни, балки кишлоқларни ҳам қамраб олмақда.

Жорий йил мобайнида 1 минг 200 тез тиббий ёрдам станцияси ва кичик станцияси ташкил этилиб, бугунги кунда уларнинг сони 2 минг 100 дан ошди. Бу йил юқумли касалликларга қарши дастурий эмлашга маблағлар тўлалигича давлат бюджети ҳисобидан қопланди. Бу мақсадга 2017 йил учун 42,3 миллиард сўм маблағ ажратилди. Эмлаш даражаси 99,5 фоизни ташкил этди. Пировардиди, мамлакатимизда ўта хавфли касалликлар кузатилмади, оналар ўлими сезиларли камайди. 2018 йилдан жаҳонда биринчилардан бўлиб ўсимир қизларни папиллома вирусига қарши эмлаш билан тўлиқ қамраб олиш йўлга қўйилди. Бу аёллар ўртасида онкологик касалликларнинг олдини олиш, репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Дори воситаларини ишлаб чиқаришга йўналтирилган эркин иқтисодий зоналар фаолияти йўлга қўйилгани ўз самарасини бераётди. Айни пайтда юртимизда фаолият бошлаган 7 эркин иқтисодий ҳудудда табиий воситалардан дори-дармон ишлаб чиқаришмоқда. Жорий йил 76 янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Бугунга қадар чет эл нуфузли тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган 50 дан ортиқ ҳамюртимиз Ўзбекистонга қайтарилди. Улар учун барча зарур шароитлар яратиб берилди. Айни дамда малакали мутахассислар халқимиз саломатлиги йўлида хизмат қилмоқда. Яна бир қувонарли янгилик. Мамлакатимиз тиббиёти тарихида илк бор трансплантология бўйича замонавий операцияларни амалга ошириш бошланди. Трансплантология соҳасининг жаҳондаги етук мутахассислари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.

Тиббий ихтисослашган марказлар фаолиятида амалга оширилаётган туб ислохотлар ҳам яхши самара бермоқда. Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда чет эллик юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш амалиёти йўлга қўйилди. Бугунги кунга қадар мамлакатимизда 200 дан ортиқ хорижлик мутахассис иштирокида мураккаб жаррохлик амалиётлари муваффақиятли бажарилди.

Тантанали тадбирда таниқли санъаткорлар ижросида концерт намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Юнусходжаев сўзга чиқди.

Улуғбек АСРОРОВ,
ЎЗА мухбири.



ҚАШҚА ВОҲАСИНИНГ ПАХТАСИ

серҳосил, сифатли, саноатбоп

Бепоеъ Қарши даштини айлланиб, деҳқон меҳнатига тасанно айтгинг келади. Инсоннинг қўли гул, деганлари шу бўлса керак. Асрлар давомида қанчадан-қанча бободоҳқонлар бу манзилларни обод қиламан, боғ-роғ яратаман, Қарши чўлини гулистонга айлантираман, деб меҳнат қилишган, захмат чекишган. Бу азиз тупроқда боболаримизнинг, момоларимизнинг табарруқ излари қолган. Шулар ҳақида ўйлар эканман, ҳаёлларимни ҳамроҳим Шариф ҳожи Гойиповнинг ушбу саволи бўлди:

— Қашқадарё ерларининг неъматидан кўпчилик баҳраманд бўлса керак?..

Ҳа, ҳақ гап. Осмонўпар пахта хирмони, ҳалол меҳнат ва пешона тери эвазига етиштирилган галла, мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари... нафақат вилоятимиз, балки бутун халқимизнинг насибасидир.

— Бир куни набирамнинг воҳада илк бор қаерга чигит экилгани ва тола қайси корхонада ажратилгани ҳақидаги саволига жавоб беролмадим, — дейди суҳбатдошим.

Айрим манбаларда Қашқа воҳасида илк бор Шахрисабз ва Китоб далаларида пахта етиштирилгани қайд этилган. Уларга кўра, 1914 йилда Шахрисабзга темир йўл тортиб келинган ва кичик пахта тозалаш корхонаси қурилган...

Шулар ҳақида ўйлаб, телевизорни қўйдим. Тошкентда бўлиб ўтган халқаро пахта ва тўқимачилик кўргазмаси қатнашчилари билан суҳбат берилаётган экан. Ярмаркага келган олимлар пахта навлари, генетикаси, қайта ишлаш саноати ҳақида муҳим фикрларни билдиришарди. Эътиборни тортгани, ҳозир 60-65 фоиз толамизни ўзимиз тайёр маҳсулотга айлантираётган эканмиз, келгусида тўла қайта ишлаймиз.

Ушбу жараёнда Қашқадарё вилоятининг ўрни қандай? Унинг бойлиги, қайта ишлаш саноати қувватлари ҳақида нималарни биламиз? Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «**Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз**» китобини қўлимга олдим. Мамлакатимиз раҳбари қашқадарёлик сайловчилар билан учрашувда шундай деган эди: **Давлатимиз асосчиси-нинг улуғ орзуларидан бири Қашқадарёни Ўзбекистоннинг ривожланган минтақасига айлантириш эди...** Бугунги кунда мамлакатимизда қазиб чиқарилаётган табиий газнинг 70 фоизи, нефтнинг қарийб 78 фоизи, газ конденсатининг 80 фоизи, галланнинг 13 фоиздан ортиги, пахтанинг 14 фоиздан зиёди вилоят ҳиссасига тўғри келмоқда...

Бу ердаги «Шўртан нефть-газ», «Муборак нефть-газ», «Шўртан газ-кимё мажмуаси», «Муборак газни қайта ишлаш заводи», «Дехқонбод калийли ўғитлар заводи, Толлимаржон иссиқлик электр станцияси», «Хисор нефть-газ» каби йил-йили ишлаб чиқариш қувватлари мамлакатимиз саноатининг локомотивлари ҳисобланади...

Шу ўринда Қашқадарё вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт бошқармасининг масъул ходими Дилором Холмуродовнинг фикрларини эслай бошлайман.

Икки йил олдин ҳукумат дастури асосида вилоятда 5455 маҳсулотлари... нафақат вилоятимиз, балки бутун халқимизнинг насибасидир. — Бир куни набирамнинг воҳада илк бор қаерга чигит экилгани ва тола қайси корхонада ажратилгани ҳақидаги саволига жавоб беролмадим, — дейди суҳбатдошим.




сўмлик саноат маҳсулоти тайёрланган. Вилоятни 2017-2018 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастурига кўра, 799 янги лойиҳа асосида яна 10 минг 233 иш ўрни яратилади. Ҳозиргача 558 лойиҳа ҳаётга татбиқ этилиб, 4735 иш ўрни барпо этилди.

— Янги қайта ишлаш шохбчаларини вужудга келтиришда пахта муҳим хом ашёдир, — дейди Ўзбекистон енгил саноат АЖнинг Қашқадарё вилоятидаги вакили Остонакул Оллоёров. — Биласизми, ҳукуматимизнинг 2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳасини ривожлантиришга оид қарорига кўра, вилоятимизда ҳам ўнлаб янги корхоналар ишга туширилади. Агар ўтган йили вилоятда тоналани қайта ишлаш 9-10 фоизни ташкил қилган бўлса, бу йил охиригача бу кўрсаткич 40 фоизга, келгусида 74 фоизга етади. Айрим мисоллар. Китоб ип йигирув корхонаси 3 минг тонна ип калава тайёрлаш қувватига эга, 125 ишчи меҳнат қилапти. Яқкабоғ туманидаги янги «Воҳатекс» АЖда 80 иш ўрни яратилди. Муборак туманида йилига 8 миллион дона пайпоқ тайёрлайдиган корхона



ишляпти. Президентимиз йил бошида вилоятимизга таширф буюрганида, бир қанча истикболли лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан қимматли маслаҳатлар берганди. Қаранг, Қарши туманида йилига 22 минг тонна пахта толасини қайта ишлайдиган хорижий корхона яқинда иш бошлади. Яна янгилари қурилаяптики, уларда юзлаб, минглаб ёшлар меҳнат қилишади. Бир гапни айтмайми, сиз Шахрисабздаги корхонамиз билан танишинг...

Шахрисабзга йўл олдик. Ростига кўсак, тўқсонинчи йилларнинг охирида қурилган бу корхонага келиб, ўзимизнинг қурувчиларимиз, хорижий мутахассислар билан бир неча бор суҳбатлашган, серунум дастхларни кўриб ҳайратга тушган эдим. Корхонанинг оёққа туриб кетиши осон бўлмади. «Оқсарой Текстиль» МЧЖ директори Санжар Жабборов 600 га яқин ишчи-хизматчи йилига 4 минг тонна ип-калава тайёрлаётгани ҳақида ҳикоя қилиб, ишлаб чиқариш жараёни билан таништиради. Янгилик шу эканки,



тез орада тоналани бўяйдиган, келгусида мато тўқийдиган, камида 250 киши меҳнат қиладиган янги қувват ишга тушаркан. Дастхотлар келтирилган, лойиҳадаги ишларнинг 80 фоизи бажариб қўйилган.

— Мен Шахрисабз шаҳрида яшайман, — дейди ёш ишчи Нигора Саидова. — Ўтган йили технология коллежини битириб корхонага келдим. Устозим Ҳабиба Шокировадан иш ўргандим. Ҳозир калава ўраш цехида ишляпман. Мен каби ёшлар жуда кўп.

Ёш ишчининг сўзларидан завқим келди. Ахир, у ҳақ, бирин-кетин ишга тушаётган саноат корхоналари учун хомашё керакми? Умуман, воҳада қандай ва қанча пахта етиштириляпти? Енгил саноат вакили «Воҳа пахтаси сифат жиҳатидан юқори ўринда туради», деб баҳо берди. «Ўзбекпахтасаноат» АЖ нинг етакчи мутахассиси Гулчехра Ниёзова Қашқадарё пахтаси энг аъло, асл эканлигини таъкидламоқда. Хўш, бунга қандай эришилапти?

Авалло, ер ва уни асраш, унумдорлигини ошириш масалалари ҳақида. Бу борада мустақиллик йилларида кўп иш қилинди. «Аму-Қашқадарё ирригация

тизими» ҳавза бошқармаси бошлиғи Ботир Раҳимовнинг айтишича, 2013-2016 йилларда 117 лойиҳа амалга оширилиб, 141 минг гектарга яқин ернинг мелиоратив ҳолати яхшилانган. Коллекторлар тозаланган, 417 километр ёпиқ дренаж шохбчаси қурилган, томчилаб суғориш жорий этилмоқда. Галла майдонлари тўлиқ сув билан таъминлангани туфайли мўл ҳосил етиштирилган. Бу йил вилоятда 153 минг гектар ерда пахтанинг серҳосил навлари экилган, етарли сув билан таъминланган. Хуллас, натижада шартномадаги 407 минг тоннага яқин ҳосил хирмонга тўпланган. Бу мамлакатимиз микёсида энг кўп пахтадир.

— Деҳқон меҳнати энг аввало, ишлаб чиқарувчи томонидан қадрланиши керак, деб ўйлайман, — дейди Қарши ё-экспертиза заводи ОАЖ директори Фаррух Алимов. — Чигитни пахтакордан оламиз. Унинг тўқ, сифатли бўлиши уларнинг меҳнатига боғлиқ. Демак, биз ҳам қараб турмаслигимиз керак. Худди шундай йўл тутдик. Агар ҳозир корхонамизда 600 га яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган бўлса, улар ҳам ҳашарга чиқшиди. Мавсум давомида вилоят далаларида меҳнат қилаётган 13-15 минг теримчини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турдик.

— Пахта етиштириш захмат, ҳосилни нобуд қилмай териб олиш ундан-да машаққат, — дейди ЎзАДП Касби туман кенгаши раиси Султон Ҳамроев. — Пахта минглаб, юз минглаб деҳқон ва саноат ходимларини иш билан таъминляпти, нон-насиба берапти. Улар орасида қанчадан-қанча партиямиз аъзолари, электратимиз вакиллари бор. Туманимиз вилоят хирмониға 65 минг тоннадан ошириб пахта тўқди.

Агар таъбир жоиз бўлса, пахта меҳнат қувончи, яратиш қувончи... Вилоятда ўз меҳнати-дан қувонадиган кўплаб уста пахтакорлар етишиб чиқди. Миришкор тумани вилоятда биринчи бўлиб режани уддалади. Касби туманидан «Аҳмаджонов Баркамол Аҳмадович», «Сайфуллобобо Рўзиев», Косон туманидан «Равшанкул ота», «Шерамат Саидов», Нишон туманидан «Бахриддин Чориев», «Авазов Қодир», Қарши туманидан «Фаровон», «Жўраева Гулнора Жўраевна», Муборак туманидан «Бахромов Озодбек Завкиевич», «Қаҳқорлов Раҳмон бобо», Қамаш туманидан «Поён ўғли Абдимурод», «Бозор ўғли Абди», Яқкабоғ туманидаги «Шамшар», «Улуғвор мерос» каби фермер хўжаликларида ҳосилдорлик 35-40 центнердан ошди.

Қашқадарё соҳилидаги 30 гектар ерда мўл пахта ҳосили етиштирган ЎзАДП фаоли, Сенат аъзоси, Ўзбекистон Қаҳрамони фермер Абдимурот Бозоров таъбири билан айтганда, бу йил юртимизга барака ёйилди.

Юнус УЗОКОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист.

Спорт

«Ўзбекистон» спорт мажмуасида қўл жанги бўйича Осиё очик чемпионати бўлиб ўтди. Мусобақа Ўзбекистон Жисмоний тарбия ва спорт давлат кўмитаси ҳамда мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари қўл жанги федерацияси томонидан ташкил этилди. Унда кўтъямизнинг ўндан зиёд давлатидан юздан ортиқ спортчи 16 вазн тоифасида иштирок этди.

ОСИЁ ОЧИҚ ЧЕМПИОНАТИДА

Ўзбекистон эркаклар ва аёллар терма жамоаси биринчи бўлди

Эркаклар ўртасида бўлиб ўтган жангларда спортчиларимиз 5 олтин, 5 кумуш ва 6 бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди. Хусусан, Рамазон Темиров, Олим Нормуродов, Мухиддин Мамажонов, Жаҳонгир Жумаев ҳамда Ботир Хўжабеков Осиё очик чемпионатининг олтин медалини қўлга киритди. Аёллар терма жамоамиз ҳам 5 олтин, 2 кумуш, 7 бронза медалига сазовор бўлиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Шунингдек, мусобақа дастуридан ўрин олган 3 профессионал жангнинг иккитасида ҳамюртларимиз галаба қозонди.

— Осиё очик чемпионатида 60 килограмм вазн тоифасида иштирок этиб, кумуш медални қўлга киритдим, — дейди қўл жанги бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Гийосиддин Жамолдидов. — Бугунги турнир мени ўзимга бўлган ишончимни янада оширди. Лекин бу билан чекланиб қолмоқчи эмасман. Мусобақани кузатиш мобайнида шунга амин бўлдимки, агар янада кўпроқ шуғуллансам, бунданда юқори ўринларни олишга имкониятим етар экан.

— Осиё очик чемпионатида иштирок этиш учун таклифни иккиланмай қабул қилдик, — дейди Озарбайжон қўл жанги федерацияси президенти Мубариз Ибрагимов. — Қўл жанги спорти бизда энди ривожланиб бормоқда. Мамлакатимизда мазкур спорт тури бўйича федерация яқинда ташкил этилди. Шунинг учун ушбу Осиё очик чемпионатида натижаларимиз унчалик юқори бўлмади. Лекин турнирда иштирок этиш давомида муборакбилар ва спортчиларимизнинг тажрибаси ошди. Ўзбек спортчилари турнирда муносиб қатнашди. Терма жамоангиз таркибида кучли спортчилар кўпчилигини ташкил қилар экан. Мусобақа юқори савияда ўтди.

Шаҳбоз САИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Эълон

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Марказий Кенгашининг 2017 йил 10 ойлик (1 ноябрь ҳолатига) молиявий ҳўжалик фаолиятини текширувдан ўтказиш учун аудитор ташкилотлари ўртасида танлов ўтказилишини эълон қилади.

Корхона ва ташкилотлар 2017 йилнинг 18 ноябрга қадар ўз таклифларини қуйидаги манзилга юборишлари мумкин.

100029 Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3 тел: (99871) 239-15-06, 239-42-47, факс: (99871) 239-13-20

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши қуйидаги тарғибот воситаларини тайёрлаш ва чоп этиш бўйича танлов эълон қилади:

- флаер;
- ҷўнтак календарии;
- баннер;
- постер;
- буклет;
- партиянинг сайловолди дастури.

Танловда иштирок этишни истасан корхона ва ташкилотлар 2017 йилнинг 19 ноябрь кунига қадар Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгашига ўз таклифлари билан мурожаат этиши мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Бунёдкор шох кўчаси, 50-а уй. Тел: (0371) 2769590, 2769721. xdp.toshkent@inbox.uz

MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Saidkamol XODJAYEV

Mustiliddin MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 233-47-80

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma tabaq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1138

8856

nuxxada

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'ZA yakuni — 23:00

Topshirilgan vaqti — 00:45

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Nurullo OSTONOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 6



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI

MARKAZIY KENGASHI